DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-08 Pages: 56-65

Oriental Journal of Philology



FEATURES OF THE CATEGORY OF DEFINITENESS IN THE ARABIC LANGUAGE

Zukhra D. Aripova
Acting Professor
Department of Arabic Language and Literature "Al-Azhar"
International Islamic Academy of Uzbekistan
Email: aripova.zuxra@mail.ru.
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: category of definiteness, category of indefiniteness, proper nouns, personal pronouns, demonstrative pronouns, relative pronouns, genitive construction (or Izaafa), interjection.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: The article is dedicated to analyzing the concepts of definiteness and indefiniteness in the Arabic language, as well as examining nouns that belong to the category of definiteness. In Arabic, there exists a category of definiteness and indefiniteness, which is not found in many other languages. By studying this category, one can understand the true meaning of words, as these categories clarify what is familiar or unfamiliar to the speaker and the listener.

АРАБ ТИЛИДА АНИҚЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Зухра Д. Арипова
Профессор в.б.
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Email: aripova.zuxra@mail.ru.
Ўзбекистон, Тошкент,

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: аниқлик категорияси, ноаниқлик категорияси, атоқли отлар, кишилик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, нисбий олмошлар, изофа, ундалма.

Аннотация: Мақола араб тилида аниқлик ва ноаниқлик тушунчаси, аниқлик категориясига мансуб бўлган исмларни таҳлил қилишга бағишланган. Араб тилида кўпгина тилларга хос бўлмаган, аниқлик ва ноаниқлик категорияси мавжуд бўлиб, уни ўрганиш орқали сўзларнинг асл маъносини тушуниш мумкин, яъни бу категориялар сўзлочи ва тингловчига таниш ёки нотаниш бўлган нарсаларни аниқлаштириб беради.

ОСОБЕННОСТИ КАТЕГОРИИ ОПРЕДЕЛЕННОСТИ В АРАБСКОМ ЯЗЫКЕ

Зухра Д. Арипова
и.о.профессора
Кафедра арабского языка и литературы Аль-Азхар
Международная исламская академия Узбекистана
Email: aripova.zuxra@mail.ru
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: категория определенности, категория неопределенности, собственные имена, личные местоимения, указательные местоимения, относительные местоимения, изафет, междометие.

Аннотация: Статья посвящена анализу понятий определенности и неопределенности в арабском языке, а также существительных, принадлежащих к категории определенности. В арабском языке существует категория определенности и неопределенности, которая отсутствует во многих других языках. Изучая эту категорию, можно понять истинное значение слов, так как эти категории уточняют для говорящего и слушающего, что является знакомым или незнакомым.

Кириш

Маълумки, араб тили, ўзининг бой ва мураккаб грамматик тузилиши билан ажралиб турадиган, дунёдаги энг қадимий ва таъсирчан тиллардан бири ҳисобланади. Унинг грамматикасидаги муҳим категориялардан бири аниқлик ва ноаниқлик тушунчаларидир. Бу категориялар исмларнинг маъносини белгилашда, жумлаларнинг тузилишида ва умуман, араб тилидаги мулоқотнинг аниқлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. (Nemah, 1998; Nasif, 2006). Аниқлик, ноаниқлик категорияси қатор жаҳон тилларида, хусусан араб тилида мавжуд бўлса-да, ўзбек, рус, форс тилларида бу категория ўзининг грамматик ифодасини топмайди. Грамматик категориялар ҳар тилнинг тузилишига кўра ҳар хил бўлиб, шу тилнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Албатта, бу хусусиятлар ўша тилнинг грамматик тизимини характерлаб беради.

Шарқшунос олиб Г.М. Габучян ушбу мавзу доирасида тадқиқот олиб бориб “Теория артикля и проблемы арабского синтаксиса” номли монографиясини ёзган. Бу монография араб тилида аниқлик ва ноаниқлик категорияси, артиклнинг умумий назариясининг асосий қоидалари ҳамда унинг фаолият юритишининг синтактик жиҳатига алоҳида эътибор қаратиб, артиклнинг умумий назариясининг асосий йўналишларини таҳлил қилган. (Gabuchyan, 1972). Аммо монографиянинг номидан ҳам кўриниб турибдики, бу категорияни умуман эмас, балки артикл билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан тадқиқот қилган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Аниқлик ва ноаниқлик категориясини ўрганишда бугунги кунгача етиб келган Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “ал-Унмузаж” асари, Сибавайҳи қаламига мансуб “Китоб ас-Сибавайҳ” асари, шунингдек, Ибн Ҳожибнинг “аль-Кофия” ва бошқа шу кунгача бўлган муаллифларининг асарлари муҳим манба ҳисобланади. Замонавий мисрлик олимлар Ҳифни Носиф, Ҳолид Абдулазиз, Фуъад Неъмат, Антуан Даҳдаҳ каби арабшуносларнинг тадқиқот асарлари аҳамиятга молик. Тадқиқот материалларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, қиёсий ва компонентли таҳлил асосида ўрганилди.

Натижалар. Аниқлик ва ноаниқлик категорияси араб тилидаги исмларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, уларнинг маъносини тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Аниқлик (المعرفة - маърифа) муайян, маълум предмет ёки тушунчани билдирса, ноаниқлик (النكرة - накра) умумий, номаълум предмет ёки тушунчани ифодалайди. Бу категорияларнинг тўғри қўлланилиши гапнинг мазмунини аниқлашда, мулоқотнинг самарадорлигини оширишда ва араб тилидаги матнларни тўғри тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Аниқлик-ноаниқлик тушунчаси ҳамма учун ҳам бир текис аён деб бўлмайди. Барча кишилар ҳаётда, жонли сўзлашувда гап мавзусидаги нарсаларни аниқ ва уларни ифода этган сўзларни равшан ҳис этадилар ва ўз тилида тўғри ишлатадилар, аммо уни бошқа тилга ўгиришда қийинчилик сезадилар. Айниқса аниқлик ёки ноаниқлик махсус белгилар (артикллар) билан ифодаланадиган (масалан, араб, инглиз, немис ва шу каби) бир қатор тилларда уларни талабалар қўллаб фикрни ифодалашларида чалкашликлар учраб туради (Musaev, 2000, pp.20-21)

Таниқли арабшунос А.Абдужабборовнинг фикрича “Исм гуруҳига кирувчи сўзлар ноаниқ ёки аниқ ҳолатда бўлади. Ноаниқ ҳолатдаги исмлар предмет ёки тушунчанинг умумий номидан иборат бўлади. Масалан, “бу-китоб” жумласида “китоб” сўзи ноаниқ ҳолатда, чунки “бу дафтар эмас, журнал эмас, бошқа нарса эмас, балки китоб” эканлигини билдиради. Ноаниқ ҳолатдаги исмларга ўзбек тилида “бир”, “қандайдир” сўзлари қўшилса, маънога путур етмайди” Масалан; Бу-китоб. Бу-бир китоб. Бу-қандайдир китоб. (Abdujabborov, 2020, p. 44).

“Аниқ ҳолатдаги исмлар эса” – дейди А.Абдужабборов “муайян предмет ёки тушунчани ифодалайди. Ўзбек тилида аниқ ҳолатдаги исмларга “бу”, “шу”, “ўша” кўрсатиш олмошларини қўшиш мумкин. Масалан: “Китоб қизиқ экан” жумласидаги “китоб” сўзи муайян предметни англатяпти, унга “шу”, “ўша” сўзларини қўшиш мумкин:

Китоб қизиқ экан. Шу китоб қизиқ экан. Ўша китоб қизиқ экан. (Abdujabborov, 2020, p. 44).

Араб наҳви олимларининг фикрича, жумла, гап одатда икки қисмдан иборат бўлади:
1. Тингловчи учун маълум бўлган қисми – المبتداالمسند اليه

2. Тингловчи учун номаълум бўлган қисми – الخبر المسند

Демак, гапнинг эгаси аниқ ҳолатда, кесими ноаниқ ҳолатда бўлиши лозим. Масалан; زيد قائم

Габучян Г.М. Араб наҳви олимларининг бу фикрини В.Матезиуснинг "Гапнинг актуал бўлиниши" назарияси билан боғлайди (Gabuchyan, 1972, p.24)

Демак, юқоридаги қоидага биноан гапнинг гап бўлиши учун унда албатта маълум-аниқ ҳолатдаги ва номаълум-ноаниқ ҳолатдаги исм бўлиши лозим. Чунки номаълум нарса ҳақида номаълум хабарни беришнинг маъноси бўлмайди. Шунингдек, тингловчига маълум нарса ҳақида маълум хабарни беришнинг ҳам маъноси бўлмайди.

زيد أخوك каби жумлаларда гапнинг ҳар иккала қисми زيد ҳам, أخوك ҳам аниқ ҳолатда-ку, - деган савол туғилиши мумкин. "Бунда – деб ёзади Г.М. Габучян Сибавайхининг "الكتاب" асарига асосланиб, - гапнинг ҳар иккала бўлаги аниқ, маълум, аммо улар ўртасидаги алоқа номаълум"- деб ёзади(Gabuchyan, 1972, p.24).

Аниқлик ёки ноаниқлик сўзловчига нисбатан эмас, тингловчига нисбатан белгиланади, чунки сўзловчи ўзи учун ҳам номаълум бўлган хабарни бериши мантиқдан эмас. Аниқлик ва ноаниқликнинг турли даражаларда бўлиши (мутлақо ноаниқдан- мутлақо аниқгача) бу масалани янада мураккаблаштиради. Шу сабабли бу илмий мақолада фақатгина аниқлик категориясини ўзинигина кўриб чиқилди.

Замонавий тадқиқотчи Аббос Ҳасан аниқ ҳолатдаги исмларнинг жами 7 та турини кўрсатган. Улар қуйидагилар:

1. Атоқли отлар– العلم

2. Кишилик олмошлари – الضمائر

3. Кўрсатиш олмошлари– أسماء الإشارة

4. Нисбий олмошлар- أسماء الموصولة

5. "ال" билан аниқ бўлган исмлар, яъни аниқловчи сўзлар

6. Аниқ ҳолатдаги бирор сўз билан аниқланган сўз, яъни изофанинг биринчи бўлаги - لاضافة

7. Ундалманинг атайин ноаниқ ҳолатга қўйилган шакли– منادى

Юқорида санаб ўтилганлардан биринчи тўрттаси ўзи аниқ ҳолатда бўлган ҳисобланиб, қолган учтаси аниқланган исмлар ҳисобланади(Hassan, 1975, pp.190-191.).

Аниқ турдаги исмларнинг даражаларини замонавий араб тилшунослари Абдуллоҳ ал-Татовий ва Юсуф Халифлар ҳам таъкидлаб ўтадилар (Tatoviy, 2002, pp.47-50; Xalif, 2003, pp.17-18).

Араб наҳви олимлари исмлардаги аниқлик даражаси ҳақида ҳам фикр юритадилар. Г. Габучяннинг таъкидлашича, Сибавайҳининг издошлари – Басра наҳв мактабининг намояндалари "энг аниқ ҳолатдаги исмлар кишилик олмошлари, ундан сўнг атоқли отлар ва сўнгра кўрсатиш олмошлари" - деб, ҳисоблайдилар. Куфа наҳвчилари эса, энг аниқ исм деб, атоқли отларни, ундан сўнг кишилик олмошлари ва кўрсатиш олмошларини

ҳисоблайдилар. Уларнинг назарида грамматик воситалар (ألْ артикли, изофа, ундов юкламаси) билан аниқланган сўзларнинг аниқлик даражаси юқоридагилардан камроқдир (Gabuchyan, 1972, p.40)

Қуйида аниқ ҳолатдаги исмларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталинади.

1. Атоқли– العلم отлар ясалиши нуқтаи назаридан иккига бўлинади:

Бошқа турдош отдан ясалган - المنقول

Масалан; حسن، محمود، كريم

Аслида ҳеч қандай маънога эга бўлмаган сўзларнинг атоқли отга айлангани - المرتجل

Масалан; زينب، دمشق، بغداد

Фуад Неъмат атоқли отни “المنقول –манқул” ва “المرتجل – муртажал”га ажратади. “Муртажал” аввал атоқли от маъносидан бошқа маънода ишлатилмаган отларга айтилади. “Манқул” эса, аввал атоқли от маъносидан бошқа маънода ишлатилган бўлади. У ёки сифатлардан - كريم، حسن ،أنور،شريف

ё масдарлардан – إكرام، توفيق، إخلاص، نجاة

ё турдош отдан – أسد، فيروز، وردة

ё феълдан – أحمد،يزيد олинган бўлади(Nemah, 1998, p. 412).

Таркиби нуқтаи назаридан атоқли отлар битта сўздан ёки бирикмадан иборат бўлиши мумкин. Масалан; عبد العزيز، المعتصم بالله

Шунингдек тўлиқ гаплардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан; кўрган хурсанд бўлади. (Самарра шаҳри Ироқда) – سر من راي

Аз-Замахшарий атоқли отларни энг аниғи деб олдин жой номларини, сўнг инсонларнинг исмларини ҳисоблайди (Zamaxshariy, 2001, p. 17).

Араб тилида атоқли отлар маъносига кўра 3 га бўлинади:

1. Исм – бирор шахсга туғилгандан сўнг қўйиладиган ном ҳисобланади. Масалан, زيد – Зайд, فاطمة – Фотима, عمر – Умар.

2. Лақаб – бирор шахсни мақташ ёки таҳқирлаш учун айтиладиган ном. Масалан, (мақташ), الصديق الفاروق ، سيف الله, (таҳқирлаш), السفاح الجاحظ المتنبي

Лақаб ва наътнинг фарқи шундаки, лақаб номланаётган шахсни бутунлай аниқлаб кўрсатади ва мақтов ёки таҳқирни ифодалайди, наът эса атоқли от бўлмайди ҳамда номланаётган шахсни аниқлаштирмайди. Шунингдек, лақаб фақат маърифа бўлади, наът эса мануътга қараб аниқ ёки ноаниқ бўлиши мумкин (Nasif, 2006, p. 340).

3. Куня – أب(ота), أم(она), ابن (ўғли), بنت (қизи) сўзлари қўшилган мураккаб атоқли от. Масалан, أبو بكر، أبو حفص، أم زيد، أم كلثوم

Исм, лақаб ва кунянинг жойлашувига келадиган бўлсак, исм ва лақаб бирга келганда, исм биринчи, лақаб эса ундан кейин келади: علي زين العابدين

Агар лақаб исмдан кўра машҳурроқ бўлса унда аввал лақаб, кейин исм келиши мумкин: السفاح عبد الله أول الخلفاء العباسيين

Куня эса аввал ҳам, ўртада ҳам, охирида ҳам келиши мумкин (Abdulaziz, 2018, p.240).

2. Кишилик олмошлари – الضمائرгапдаги вазифаси ва шаклига кўра

бош келишикдаги алоҳида ёзиладиган олмошлар منفصلва қаратқич ва тушум келишигидаги қўшилиб ёзиладиган олмошлар متّصلга бўлинади (Nemah, 1998, p. 411).

Кишилик олмошлари ўзи ҳам аниқлик даражаси нуқтаи назаридан бир хил эмас. Биринчи шахс олмошлари “мен, биз”- энг аниқ ҳисобланса, иккинчи шахс олмошлари “сен, сизлар” – иккинчи даражада, учинчи шахс олмошлари “у, улар” – эса учинчи даражада аниқ ҳисобланади(Gabuchyan, 1972, pp.40.).

3. Кўрсатиш олмошлари- яқиндаги предметларни кўрсатиш учун уларнинг олдига ها юкламаси, узоқдаги предметларни кўрсатиш учун эса ك юкламаси қўшилади.

4. Нисбий олмошларга қуйидагилар киради: Аниқловчи эргаш гапни бош гапга боғлайдиганالتى ،الذى олмоши ва унинг иккилик ва кўплик сонлардаги музаккар ва муаннас жинсдаги ҳамма шакллари. Масалан;

ўз ишлари билан мақтанадиганларни ёқтирмайман.- لا أحبّ الذين يتباهون بأعمالهم

“من” ва “ما” олмошлари масалан;

معنا من الزّاد ما يكفينا- бизда етарли озиқ-овқат бор

5. “أل” артикли билан аниқланган исмлар. “أل” артикли ноаниқ ҳолатдаги исмларни аниқ ҳолатга ўтказишнинг асосий грамматик воситасидир. Бу артиклнинг биринчи бўлаги ҳамза васлалидир. Ва демак, фақат гап бошида, паузадан кейин талаффуз қилинади. Шунинг учун араб наҳви китобларида бу артиклни “لام التعريف” яъни “аниқлаш ломи” деб аташади. Кўриниб турибдики, бунда ҳамза ҳисобга олинмайди.

Артиклнинг “лом” ҳарфи ҳақида эслатиб ўтиш жоизки, у шамсия ҳарфлари олдида келганида ўша ҳарфлар билан ассимиляцияга киришиб кетади ва демак, талаффуз қилинмайди. Бундан хулоса қилиш мумкин-ки, “أل” артиклининг тўлиқ (Аль -деб) талаффуз қилиниши нисбатан кам учрайдиган ҳолдир.

Аббос Ҳасан “أل” артиклининг уч тури ҳақида ёзади:

1) أل العهدية

2) أل الجنسية

3) أل الزائدة

Ўз навбатида “أل العهدية ” ҳам уч турга бўлинади:

1) ذكري

2) ذهنى أو علمى

3) حضوري

“ذكري” турига ҳозиргина ёки аввалроқ зикр қилинган сўзни кўзда тутилаётганини англатувчи “أل” артикли киради. Масалан;

نزل مطر فأنعش المطر زروعنا – Ёмғир ёғди ва (ўша) ёмғир экинларимизни жонлантирди.

“ذهنى” ёки “علمى” турига қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

سأل طالب زميله, ما أخبار الكلّية- Толиб дўстидан сўради. Факультетда нима гап?

Бунда “ الكلّية” сўзи гарчи аввалроқ зикр этилмаган бўлсада, ҳар иккала толиб учун маълум бўлгани учун аниқ ҳолатга қўйилган.

“حضوري” турига қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

(Бу) киши менинг олдимга келди.- جاءنى الرجل

Бунда “الرجل” сўзи шу гап айтилаётган вақтда ҳозир бўлгани учун аниқ ҳолатга қўйилган(Hassan, 1975, pp.193-194.).

Ўз навбатида “أل الجنسية” ҳам 3 турга бўлинади:

Маълум тур предметларини жамловчи сўзга қўшилади. “أل الجنسية” нинг бу кўринишини ажратиш учун “أل” артикли исмни كل сўзи билан ноаниқ исмга алмаштириш мумкин.

Барча инсонлар заиф яратилган - . خلق كل إنسان ضعيفا

- Ўзи аниқ бўлган исмга қўшилади.

“أل” артиклининг учинчи тури “أل الزائدة” ортиқча “أل”дир. Араб наҳвчилари исмнинг аниқ ёки ноаниқлиги артиклнинг бор-йўқлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлатиладиган турини аташади. Масалан;

المأمون بن الرشيد من أشهر خلفاء بنى العباس – Маъмун ибн Рашид Аббосийлар сулоласининг энг машҳур халифаларидандир. Бунда “ал-Маъмун”, “ар-Рашид”, “ал-Аббос” сўзларидаги “أل” артикли ортиқчадир. Чунки у билан бирга келган сўзлар атоқли от бўлганлари учун ва ноаниқ ҳолатда ҳеч қачон ишлатилмасликлари учун “أل” артиклисиз ҳам аниқ ҳолатдадир.

6. Аниқ ҳолатдаги исмларнинг яна бир тури юқорида зикр этилган аниқ ҳолатдаги бирор бир сўз билан изофа бирикмасига кирган сўзлар, яъни аниқ ҳолатдаги мослашмаган аниқловчига эга бўлган сўзлардир. Бундай бирикмадаги аниқловчи, яъни изофа бирикмасининг иккинчи бўлаги ноаниқ ҳолатда бўлса, аниқланмиш маъно жиҳатидан тўлиқ аниқланмаган бўлади. Араб наҳвчилари бундай ҳолатни “تعريف” – “аниқлаш”- деб эмас, “تخصيص” – яъни “хусусийлаштириш” деб аташади (Nemah, 1998, pp.99).

Грамматик жиҳатдан бундай исмлар ноаниқ ҳолатда ҳисобланади, яъни улар билан мослашувчи аниқловчи ноаниқ ҳолатда бўлади. Масалан:

Бу – ишчининг янги уйи - هذا بيت عامل جديد

Изофа маъно жиҳатидан икки хил бўлади. Бу ҳусусда Махмуд аз-Замахшарий ўзининг “الانموذج” асарида уларни маънавий ва лафзийга ажратади(Zamaxshariy, 2001,pp.21)

Араб тилида изофа – المضاف – аниқланаётган исм, яъни аниқланмиш ҳамда المضاف اليه – аниқланмиш тобе бўлган исм, яъни аниқловчи ҳисобланади. Изофанинг бу икки қисми бирикиб ажралмас бирикма ҳосил қилади ва уларнинг орасига ҳеч қандай сўз қўшиб бўлмайди(Abdujabbarov, 2020, pp.111). Изофада аниқланмиш танвинсиз ҳолатда, артиклсиз бўлади. Аниқловчи эса ҳар доим мажрур ҳолатда, артиклли ёки артиклсиз бўлиши мумкин. Келишикларда турланганда эса фақат аниқланмиш ўзгаради, аниқловчи шу ҳолатида

қолади. Ҳар қандай изофа бирикмаси аниқ ҳолатда бўлавермайди, фақат аниқланмиш аниқ ҳолатдаги исм бўлсагина, ўша сўз бирикмаси аниқ ҳолатда бўлади:

Атоқли от билан ясалганда: بيت زيد

Олмошлар билан ясалганда: بيتنا، بيتكم

Кўрсатиш олмоши билан ясалганда: بيت ذالك الولد

Нисбий олмош билан ясалганда: بيت الذي يعجبني

ال билан аниқ бўлган сўзлар билан ясалганда: بيت الولد

Шунингдек, юқоридагиларга изофа қилинганда ҳам аниқ ҳолатда бўлмайдиган сўзлар мавжуд, улар: غير، مثل، وحد(Abdulaziz, 2018, pp.240).

7. Ундалмалар асли аниқ ҳолатда бўлади, турдош исм билан ифодаланган ундалмани шаклан ноаниқ ҳолатга, мазмунан аниқ ҳолатга қўйиш мумкин. Бунда ундалмада أل – артикли ҳам, танвин ҳам бўлмайди ва у бош келишикда туради. Масалан; يا حارس , يا رجل

Хулоса. Аниқ ҳолатдаги сўзлар ҳам ўз аниқлик даражасига кўра фарқланади. Жой номларини энг аниқ, сўнгра киши номлари ва ниҳоят, предметлар синфларининг номлари аниқлик даражасига кўра кетма-кет ҳисобланади. Басра грамматик мактаби вакиллари Сибавайҳига эргашиб, энг аниқ исм кишилик олмоши, ундан кейин эса артикл олган исм, сўнгра кўрсатиш олмошини кўрсатиб ўтишган бўлса, Куфа грамматик мактаби вакиллари энг аниқ исм сифатида атоқли от, ундан кейингилари кўрсатиш ва кишилик олмошларини келтиришган.

Гапнинг гап бўлиши учун унда албатта маълум-аниқ ҳолатдаги ва номаълум-ноаниқ ҳолатдаги исм бўлиши лозим. Чунки номаълум нарса ҳақида номаълум хабарни беришнинг маъноси бўлмагани каби, тингловчига маълум нарса ҳақида маълум хабарни беришнинг ҳам маъноси бўлмайди. Албатта, аниқлик ёки ноаниқлик сўзловчига нисбатан эмас, тингловчига нисбатан белгиланади, чунки сўзловчи ўзи учун ҳам номаълум бўлган хабарни бериши мантиқдан эмас.

Кишилик олмошлари, атоқли отлар, кўрсатиш олмошлари, нисбий олмошлар ўзи аниқ ҳолатда бўлган ҳисобланади, аниқловчи сўзлар, аниқ ҳолатдаги бирор сўз билан аниқланган сўз (изофа бирикмасининг биринчи бўлаги), ундалма аниқланган исмлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdujabbarov, Abduhafiz. (2020) Arabic language textbook. Arab tili darsligi. – Tashkent: O‘zXIA – 312 p. (in Uzbek)

2. Abdulaziz, Xolid. (2018)Applied Grammar. an-nahv at-tatbiqiy. – Misr: dar al-lu‘lu‘. – 600 p. (in Arabic)

3. Al-Dahdah, Antoine. (1992) Dictionary of Arabic Grammar in Tables and Charts. Mu’jam qava’id al-lug‘a al-arabiyya. – Bayrut: Maktabat Lubnan. – 352 p. (in Arabic)

4. Begmatova, B. M., Mutalova, G. S., & Kasimova, S. S. (2023). The Direct Object And Its Use In Arabic Language. Boletin de Literatura Oral-The Literary Journal, 10(1), 3601-3609.

5. Gabuchyan, G.M. (1972). Theory of the article and problems of Arabic syntax. Teoriya artiklya i problemi arabskogo sintaksisa. – Moscow: Nauka. – 224 p. (in Russian)

6. Grande, B.M. (1998). Course of Arabic grammar in comparative-historical light. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel'no-istoricheskom osveshenii. – Moscow: RAN. – 592 p. (in Russian)

7. Musaev.O. (2000)The system of basic rules of the Arabic language. Arab tili asosiy qoidalari tizimi. Tashkent::ToshDShI. (in Uzbek)

8. Hassan, Abbas (1975). Comprehensive Grammar. Part Four. An-Nahv al-vafi. Al-Juz’ar-rabi’. – al-Qohira: Dar al-ma’arif. – 835 p. (in Arabic)

9. Nasif, Khifni et al.(2006) Grammar lessons. ad-Durus an-nahviyya. – Misr, al-Iskandariyya: Dar al-Aqida. – 415 p. (in Arabic)

10. Halif, Yusuf. (2003) Rules of the Arabic language. Qava’id al-lug‘a al-arabiyya. – al-Qohira: Dar al-ma’arif. – 355 p. (in Arabic)

11. Nemah, Fouad. (1998) Summary of Arabic Grammar Rules. Mulaxxas qava’id al-lug‘a al-arabiyya. – Misr: Nahdat Misra. – 855 p. (in Arabic)

12. Tatoviy, Abdallah. (2002). Return to – the health of the language. Avdun ila – s- sixxa al-lug‘aviya.– al-Qohira: Dar al-ma’arif. – 380 p. (in Arabic)

13. Zamaxshariy, Mahmud. (2001). The model. al-Unmuzaj. Tashkent: TIU. (in Arabic)

14. Abdujabbarov, A. (2020). Arabic language textbook. Arab tili darsligi. . Tashkent: O‘zXIA.

15. Abdulaziz, X. (2018). Applied Grammar. an-nahv at-tatbiqiy. Misr: Dar al-lu‘lu‘.

16. Al-Dahdah, A. (1992). Dictionary of Arabic Grammar in Tables and Charts. Mu’jam qava’id al-lug‘a al-arabiyya. Bayrut: Maktabat Lubnan.

17. Gabuchyan, G. (1972). Theory of the article and problems of Arabic syntax. Teoriya artiklya i problemi arabskogo sintaksisa. . Moscow: Nauka.

18. Grande, B. (1998). Course of Arabic grammar in comparative-historical light. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitel'no-istoricheskom osveshenii. Moscow: RAN.

19. Halif, Y. (2003). Rules of the Arabic language (2003). Qava’id al-lug‘a al-arabiyya. . al-Qohira: Dar al-ma’arif.

20. Hassan, A. (1975). Comprehensive Grammar. Part Four. An-Nahv al-vafi. Al-Juz’ar-rabi’. al-Qohira: Dar al-ma’arif.

21. Musaev.O. (2000). The system of basic rules of the Arabic language. Arab tili asosiy qoidalari tizimi. Tashkent: ToshDShI.

22. Nasif, K. e. (2006). Grammar lessons. Ad-Durus an-nahviyya. al-Iskandariyya: Dar al-Aqida.

23. Nemah, F. (1998). Summary of Arabic Grammar Rules. (1998). Mulaxxas qava'id al-lug'a al-arabiyya. Misr: Nahdat Misra.

24. Tatoviy, A. (2002). Return to – the health of the language. Avdun ila – s- sixxa al-lug'aviya. al-Qohira: Dar al-ma'arif.: al-Qohira: Dar al-ma'arif.

25. Zamaxshariy, M. (2001). The model. al-Unmuzaj. . Tashkent: TIU.